

ШАРҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР.

Абилов Муслим,

Муסיқий таълим кафедраси мудири,
катта ўқитувчи.

Аннотация: Ушбу мақолада Шарқ муסיқа маданиятининг ривожланиш тарихи, муסיқашуностр олимларимиз томонидан олиб борилган илмий изланишлар, топилаётган археологик ашёлар, қадимий қўлёзмалар, муסיқа ўз ривожланиш даврида асосан оғиздан-оғизга, устоз шогирд анъаналарига асосан тараққий этиб келганлиги тўғрисида фикр баён етилган.

Аннотация: В статье рассказывается об истории развития музыкальной культуры Востока, научных исследованиях, проводимых нашими музыковедами, археологических находках, древних рукописях, о том, что музыка в своем развитии развивалась преимущественно из уст в уста, опираясь на традиции учителей и учеников.

Annotation: This article is about the development of Oriental music culture history, a science conducted by our musicologists research archeological finds, ancient manuscripts, music in the period of development, mainly by word of mouth, of the traditions of the music discipline.

Таянч иборалар: Шарқ муסיқа маданияти, анъана, нота, шашмақом, Пифагор, Аристотел, Плутон, мерос, муסיқа назарияси, таъбат, математика, тиббиёт, рожеъ, муттасил, тафир, лохик, махалл, мутавотир.

Keyword: Oriental music culture, tradition, music, Pythagoras, Aristotle, Plnto, heritage, music theory, medicine mathematics, i medicine.

Муסיқага тарихан назар ташлайдиган бўлсак, инсониятнинг муסיқа санъатига ошно бўлганлигига жуда кўп даврлар бўлганлиги рост. Бунга олимларимиз томонидан олиб борилаётган илмий изланишлар, топилаётган археологик ашёлар, қадимий қўлёзмалар гувоҳлик бериб турибди.

Муסיқа ўз ривожланиш даврида асосан оғиздан-оғизга, устоз шогирд анъаналарига асосан тараққий этиб келди. Муסיқа асарларини ёзиб олиш учун инсоният томонидан жуда кўп даврдан буён уринишлар бўлди. Бундай уринишлар ер юзининг цивилизация марказлари бўлмиш қадимги Миср, Греция, Ҳиндистон, Хитой ва ўрта Шарқ мамлакатларида юз берди.

Муסיқанинг назарий асослари соҳасида дастлаб Греция олимлари Фисогурс (Пифогор), Арасту (Аристотел), Афлотун (Плутон) ва бошқалар эрамиздан олдинги V-II асрларда изланишлар олиб бордилар.

Уларнинг илмий изланишларини кейинчалик буюк математик астроном ва географ олим Абу Абдуллоҳ ибн Муса ал-Хоразмий (780-850), математика, метафизика, муסיқа фанлари бўйича шухрат таратган буюк араб

олими Абу Юсуф ибн Исох ал Киндий (800-879), буюк файласуф, қомусчи мутафаккир Абу Наср Мухаммад ал Фаробий (873-950), буюк файласуф, математик, табиатшунос, табобат илмининг султони муסיқашунос Абу Али ибн Сино (980-1037) ва бошқалар давом эттирдилар.[9-65]. Шулардан Ал-Киндий ва Ал-Фаробий Аристотел асарларини пухта ўрганиб, унинг асарларига кўплаб шархлар ёздилар.

IX-XII асрлар Шарқ муסיқа маданияти тарихида жуда бой мерос қолдирди. Бу даврда кўплаб муסיқа рисолалари яратилиб, улар ўзининг мазмунли салмоғи жихатидан жахон халқлари муסיқа назарияси тараққиётида жуда катта ахамиятга эга бўлди. Шарқ муסיқасига бағишланган рисолалардан маълум бўлишича, олимлар нота ёзуви яратиш устида бир неча бор уриниб кўрганлар. Натижада XIII асрга келиб нота ёзувини яратишга муваффақ бўлинди. Бу ёзув системаси Шарқ олимларининг IX-XIII асрлар давомида муסיқа назарияси устида олиб борган ишларининг натижаси, махсули бўлди. Дастлаб Абу Наср ал-Фаробий муסיқа ёзуви яратишга ҳаракат қилиб кўрди. Бу жихатдан унинг «Китабул муסיқий ал-кабир» асарида келтирган жадвали характерлидир.[9-76]. Бу жадвалда товуш қаторларининг турли хиллари жойлаштирилган бўлиб, улар ҳозирги кунда ашулачиларнинг овоз техникасини ошириш учун муסיқа ўқув юртларида қўлланиладиган вокализларни эслатади. Лекин Ал-Фаробийнинг жадвали чолғу созлари ва созандалар машғулоти учун мўлжалланган эди.

Бу жадвал беш қисмдан иборат. Унда йигирма олти хил товушқатор (гамма) лар берилган бўлиб, уларнинг ҳаракати турличадир. Пастга ва юқорига бўлган ҳаракатлар хобит ва соид, товушқаторларнинг ўрта пағоналаридан бошланадиган ҳаракат мухтаммил иборалари билан аталади. **Мухтаммил бўлганда товушқатор юқорига ҳам пастга ҳам ҳаракат этиши мумкин.** Товушқаторлар ҳаракати турлича бўлиши, жумладан рожеъ-қайтарма ҳаракат; муттасил - тўхтовсиз ҳаракат; тафир - сакрама ҳаракат; лохик - ёндош товушлар ҳаракати; махалл - товушқаторнинг бирор поғонасида ушланиб қолиш; мутаботир - такрорий ҳаракатни ифодалайди.[9-68]. Ўша даврларда муסיқанинг асосини поэзия, яъни шеър тузилиши асоси билан боғлаб тушинилган. Масалан Абу Наср ал-Фаробий муסיқа билан шеърининг чуқур боғланганлигини, муסיқанинг шеърдаги вазнлар нисбати билан ҳам мустахкам алоқада эканлиги, ритм эса шеъринг (поэзия) билан муסיқани бирлаштирувчи кўприк (бошланма) деб билганлар. Муסיқа билан шеъринг, яъни шеъринг вазн ўртасидаги мустахкам алоқа ўзбек ва тожик муסיқали поэтик санъатининг янада ривожланиши учун характерлидир.

Байт:

Дархол кўшиққа тўлди азиз меҳмонлар
Ботирлар, соқийлар, хушдил хушхонлар
Чангни ўринлатиб чалувчилар ҳам
Гулюз қизлар –хизмат қилувчилар ҳам,
Румий шохи каби чехралар гулгун,
Чанг сеҳрида диллар хайқирар мамнун.

Абу Наср ал-Фаробий илмий-муסיқий фаолиятининг аҳамияти хақида шуни айтиш лозимки, у IX-X асрлар Шарқ, хусусан Ўрта Осиё халқлари муסיқий-назарий таълимотини антиқ фан, яъни қадимги грек фани тараққиётига боғлади, Платон, Аристотель, Пифагор каби Юнон олимларини чуқур ўрганди, таҳлил қилди, шарҳлади ва ривожлантирди. Шу сабабли унга Шарқда чуқур хурмат - иззат кўрсатилди ва «иккинчи муаллим», дея улуғланди. У айниқса акустика масаласига катта эътибор берди, чолғу созларининг ясашиш шакли, улар ясалган буюмлар, жумладан ёғоч материалларининг турлари, бу чолғуларга тортиладиган торларнинг пишиқ бўлиши ва бошқа хусусиятларга аҳамият берди. Манбаларда “Қонун” созини Фаробий яратганлиги тўғрисида маълумотлар бор. [9-38].

Муסיқа назарияси масалалари ҳамда илми билан Шарқнинг улкан олими Абу Али ибн - Сино ҳам чуқур илмий изланганлиги, унинг асарларидаги айрим бўлимларда муסיқа, унинг физик хоссаси, муסיқий парда ва ритмик асоси хақида маълумотлар бор. Ибн - Сино ўзининг “Китоб уш-шифо”, “Китоб ун-нажот” асарларида муסיқа фанининг акустикаси, “Донишнома” асарида эса муסיқанинг математик ҳисоблари бўйича таҳлил қилиш назариясини ривожлантирди. Тиб қонунлари асарида эса муסיқанинг шифобахш хусусиятлари тўғрисида қимматли маълумотлар келтирилган. Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн-Сино ва бошқа Ўрта Осиёлик олимларнинг ўрта асрлардаги илм ва маданиятнинг юқори даражасини акс эттирган асарлари ўша даврлар муסיқа маданияти тарихини ўрганишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.


Ўрта асрларда яратилган илмий - назарий асарлар муסיқа санъатининг монодия (якка овозли) табиатига асосланган эди. Фаробий ва Абу Али ибн - Синодан сўнг уларнинг ишларини Сафиуддин Урмавий Абдулқодир Мароғий, Қутб ал Мавсилиий, Қутбиддин аш-Шерозий, Зайнулобиддин ал-Хусайний, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий ва Дарвешали Чангийлар ва бошқалар давом эттирдилар ҳамда Шарқ нота ёзувига асос солдилар. Уларнинг ичида Хусайний, Жомий ва Чангийларнинг олиб борган илмий изланишлари, улар ўзларидан олдин яшаб ўтган алломалар ижодини бевосита ўрганиб, танқид қилсаларда, ниҳоятда самарали бўлди.

Абдурахмон Жомий илмий-мусиқий рисоласида мусиқий товушларни таҳлил қилиш учун икки йўналиш, яъни “илми таълиф” товушларнинг ўзаро муносабати, товушқаторларни ўрганишга, “илми иқоъ” эса ритм ҳақидаги таълимотлардан иборат эди. Жомий ҳам ўтмишдошлари каби овозларнинг интервал ҳолдаги ўзаро муносабатларини беради, уларни торнинг қисмлари нисбатидан чиқарган ҳолда асосий жинс – товушқатор (тетрахорд ва пентахорд) ларни ташкил қилиши ҳамда улардан жам (парда) лар ташкил этиш усулини кўрсатади. Оғзаки анъанадаги профессионал муסיқа маҳсули бўлган ўн икки мақом яратилишидан келиб чиқиб, Жомий асосий товушқаторларни ўн етти пағонали гамма ҳосил қилувчи ўн етти бўлакка бўлади. Жомийнинг “Рисолаи дар илми мусиқий” (Муסיқа илми ҳақида рисола) номли илмий-мусиқий асарида муסיқага назарий тавсифлар берилган бўлиб, унинг кириш қисмида муסיқа санъатининг катта психологик - руҳий аҳамияти, унинг тингловчиларда қайғу - қувонч, тушкунлик ёки умид сингари кайфиятлар ҳосил қила олиши тўғрисида, асарнинг хотима қисмида эса, у муайян пардаларнинг тингловчиларга таъсири ҳақида сўз юритиб, уларни куйидаги 4 тоифага ажратади:

1. Шижоат ва жасурлик руҳини уйғотувчи оҳанглар.
2. Хурсандчилик ва қувонч руҳини уйғотувчи оҳанглар.
3. Қайғу ва алам (изтироб) руҳини уйғотувчи оҳанглар.
4. Хазин ва маъюслик руҳини уйғотувчи оҳанглар.

Жомий оҳангларни инсон ҳиссиётига таъсир этишига кўра таснифлар экан, 12 мақом, 6 овоза ва 24 шўъбадан ташкил топган 42та оҳангдан 38тасини қайд этади. Жомий ушбу асарида бундан ташқари ўша давр профессионал муסיқачилари орасида тарқалган ва умумий муסיқа сабоғи саналган 19 та жўр ритм, ёки ритмик доираларни санаб ўтган. Унинг таълимотига кўра товуш пағоналарининг жойлашиши куйидагича:

Хусайний мақомининг товушқатори



(А Ж Х Х Й Йб Йх Йх)².

0—180—294—498—678—792—996—1200

180 114 204 180 114 204 204

Мухайяр шўъбасининг товушқатори
(А Ж Х Х Йа Йж Йх Йх)



0—180—294—498—702—882—996—1200
 180 114 204 204 180 114 204

(Сафиуддин ал-Урмавийнинг нота ёзув системаси мусиқа истилоҳида “табулатура” деб аталувчи нота ёзуви турининг кўриниши. Товушлар оралиғидаги масофа, яъни интерваллар бу ерда центларда берилган).[9-34].

Ўрта Осиёнинг бошқа олимлари мусиқий рисолаларидаги каби Абдурахмон Жомийнинг юқорида қайд қилинган рисоласида ҳам космологик ғоялар учрайдики, ушбу ғояга мувофиқ мусиқа табиат гармонияси эканлиги, унинг илоҳий қудратга эга эканлиги, у жамиятнинг ахлоқий нормалари асосларини ўзида ифодалаши тўғрисидаги ғояларни ўз ичига олади. Абу Наср ал-Фаробий, Абу Али ибн-Сино, Сафиуддин ал-Урмавийнинг илмий – мусиқий асарларидаги курсатилган коидаларни купрок такрорлаган ҳолда Абдурахмон Жомий уларнинг асарларида ҳуқумрон бўлган математик услуб ва йўналишлардан фарқли равишда у мусиқачининг «соғлом ҳиссиёти» га мурожаат қилиб, назариядан амалиёт томон «кўприк» ташлайди. Бу жиҳатдан унинг қарашлари Аристокен қарашларига тўғри келади.[9-76].

XV аср Маворауннаҳр мусиқа маданиятига Абдулқодир Марогийдан сўнг унинг ўғли Сафиуддин ҳамда куёви Насрийнларнинг катта ҳисса қўшганлиги тўғрисида Ибн-Арабшохнинг «Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур» (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) номли асарида қимматли маълумотлар келтирилган.[8-36].

Кейинги даврлар яъни XVI-XVII асрларда илмий-мусиқий рисоалардан ташқари «Баёз» лар ҳам вужудга кела бошлади. Баёзлар муайян куйлар номи кўрсатилган қўшиқлар текстларидан иборат тўпламдир. XVII аср Бухоро хонининг меҳмони бўлган рус савдогари Пазухин, -«Тушлик пайтида мусиқачилар китобга қараб куй чалиб, овоз билан ашула айтар эдилар», - деб ҳикоя қилади. [10-24]. Маълумки, бу даврда ўлкамизда учта феодал давлат - Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги ташкил топди. Мазкур даврда ўзаро ички низолар, хонликлар ўртасидаги душманлик кайфияти фан ва маданият ривожига салбий таъсир кўрсатди. Темурийлар даврида гуркираб ривожланган ўлка таназзулга юз тутди. Бундай вазият илм

ва маърифат тараққиётига ҳам путур етказди. Лекин шунга қарамай, бу даврда Бухорода ўн икки мақом замирида Шашмақом шаклланди. Хоразм мақомлари шакллана борди ва XIX аср охирларига бориб Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз II топшириғи билан ва Паҳлавонниёз Мирзабоши (Комил Хоразмий) саъй ҳаракати билан Хоразм танбур нота ёзуви яратилди ҳамда унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши томонидан Хоразм олти ярим мақоми тўлиқ нотага олинди ва хонга тортиқ қилинди.

Бу ишда Хивалик Ниёзжон Хўжанинг, Муҳаммад Ёқуб Фазочи, Худойберган Мухрқан, Қаландар Дунмас, Муҳаммад Шариф (Камбар бобо) Ризо бахши, Матёқуб Харрот [9-56] ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Буюк шоир, олим ва мусиқачи Комил Хоразмий (Паҳлавонниёз Мирзабоши) дан XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган кўпгина мусиқачи, ҳофиз ва назариётчилар таҳсил олган. Улар жумладан Худойберган Мухрқан, Матёқуб Позачи, Абдулла Гулобий, Ёқуб доирачи, Аваз доричи, Худойберди Махсум, Бобожон буламончи, Собир Маҳрам, Отажон Сўта, Матҳасан бобо, унинг ўғли Муҳаммад Расул Мирзабоши, Матёқуб Харрат ва бошқалар эдилар.[9-34]. Улар алломадан шеърият сирларини, мусиқанинг назарий тамойилларини, дутор, танбур, ғижжак, буламон, сурнай, чанг, доира ва бошқа чолғу созларида ижрочилик сирларини ҳамда ҳофизликнинг ўзига хос ижро услублари, энг асосийси Хоразм мақом санъатининг ижро йўлларини ўргандилар.

Хулоса қилиб шуни айта оламизки, миллий мусиқа тарихимизни мукамал ўрганиш орқали ёшларни мусиқа илмига қизиқтириш, ҳавас ўйғотиш, мусиқашуност олимларимизнинг ишларини давом эттиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 1996-йил.
2. И.А.Каримов. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Шарқ” матбаа нашриёти. 1998-йил.
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. –Т.: “Шарқ” матбаа нашриёти. 1999-йил.
4. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: “Маънавият” нашриёти. 2008-йил.
5. Ж.Ф.Йўлдошев, С.А.Усмонов. Педагогик технология асослари. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 2004-йил.
6. Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогика технологияларнинг тадбиқий асослари. –Т.: “Фан” нашриёти. 2006-йил.

7. В.Н.Максимова. Межпредметные связи в процессе обучения. –М.: “Просвещение”. 1988-год.

8. С.Х.Йўлдошева. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълимнинг ривожланиши. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1985-йил.

9. Т.Е.Соломонова. Ўзбек мусиқаси тарихи. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёти. 1981-йил.

10. И.Ражабий. Мақомлар масаласига доир. –Т.: “Бадий адабиёт” нашриёти. 1963-йил.

ЎҚУВ-ЎҚИТУВЧИ:

МАҚОМОТ ШАҲИ

–СОЛОН ТАҒАВВАСИ

ЛО.МАҒИШИ

БАҚОҒЛЕЛИ

ИЗГАХ ДУАГАЛ БИДАСОСИҚА ИНСТИТУТИ

ОҒИЛА О.ВЛА МАХСУС ТА.ГИМИ АНЗИВГИСИ

О.ЎЗБЕКISTON ИЕСЬОВГИКАСИ

